



## Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши сессиясининг

### БАЁННОМАСИ

« 6 » апрель 2017 йил

23 - сон

Фарғона шаҳри

#### Вилоят Кенгаши

депутатлари

- 53 нафар (рўйхат бўйича)

Сессияга таклиф

этилганлар

- 32- нафар (рўйхат бўйича)

Сессияда иштирок этишди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари - Х.А.Кетмонов,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати - М.И.Ходжаева

Сессияда раислик

килувчи

- Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши раҳбари, вилоят ҳокими Ш.М.Ғаниев

Сессия котиби

- 20-Бағдод сайлов округидан сайланган депутат Б.Махмудов

#### Кун тартибида:

1. Вилоятда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш ва янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида халқ депутатлари вилоят Кенгашининг “Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари” доимий комиссияси раиси Д.Р.Мамаджанованинг хисоботи ҳақида.

2. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан жорий йилнинг ўтган уч ойи давомида аҳолига тиббий хизмат кўрсатилиши юзасидан, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи О.М.Умаровнинг ахбороти тўғрисида.

3. Вилоят ҳокимининг 2017 йил 31 мартдаги “Халқ депутатлари Фарғона вилояти ҳамда шаҳар, туман Кенгашлари депутатларининг хорижий мамлакатларга хизмат сафарларига чиқиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 166-сонли қарорини тасдиқлаш ҳақида.

4. Бошқа масалалар.

**Сессия регламенти:** ҳисобот ва ахборот учун 15 минут, сўзга чиқувчилар ва савол жавоблар учун 5 минут.

**1. Тингланди,** Вилоятда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш ва янада яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида халқ депутатлари вилоят Кенгашининг “Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари” доимий комиссияси ҳисоботи хақида.

**Мамаджанова Дилбархон Рахматовна** – халқ депутатлари вилоят Кенгашининг “Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари” доимий комиссияси раиси

**Қарор килинди:**

Қарор лойихаси билдирилган таклифлар, қўшимчалар ва эътирозлар ҳисобга олинган ҳолда қабул килинди. *(илова қилинади)*

**(Овоз бердилар: ёклаб 53 нафар, қаршилар йўқ, бетарафлар йўқ.)**

**2. Тингланди,** Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан жорий йилнинг ўтган уч ойи давомида аҳолига тиббий хизмат кўрсатилиши юзасидан, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ахбороти тўғрисида.

**Умаров Одилжон Махмудович** – вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи

**Қарор килинди:**

Қарор лойихаси билдирилган таклифлар, қўшимчалар ва эътирозлар ҳисобга олинган ҳолда қабул килинди. *(илова қилинади)*

**(Овоз бердилар: ёклаб 53 нафар, қаршилар йўқ, бетарафлар йўқ.)**

**3. Тингланди,** сессияга қўйилган биринчи масала юзасидан, жорий йилнинг 5 январь ва 7 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимининг ҳолати, муаммолари ва ривожланиш истиқболларига бағишлаб ўтказилган мажлисларда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилишини таъминлаш, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилиши ва унга сўзсиз амал қилиниши борасидаги депутатлар ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини такомиллаштириш, шунингдек Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2017 йил 24-февралдаги 705–III-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар натижасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдамини янада такомиллаштириш, ҳамда аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини яхшилашга қаратилган вазифалар тўғрисида.



**Хатамжон Абдурахмонович Кетмонов** – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари.

**Қарор қилинди:**

Қарор лойиҳаси билдирилган таклифлар, қўшимчалар ва эътирозлар ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинди.*(илова қилинади)*

**(Овоз бердилар: ёқлаб 53 нафар, қаршилар йўқ, бетарафлар йўқ.)**

**4. Тингланди,** вилоят ҳокимининг 2017 йил 31 мартдаги “Халқ депутатлари Фарғона вилояти ҳамда шаҳар, туман Кенгашлари депутатларининг хорижий мамлакатларга хизмат сафарларига чиқиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 166-сонли қарорини тасдиқлаш тўғрисида.

**Қарор қилинди:**

Қарор лойиҳаси билдирилган таклифлар, қўшимчалар ва эътирозлар ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинди.*(илова қилинади)*

**(Овоз бердилар: ёқлаб 53 нафар, қаршилар йўқ, бетарафлар йўқ.)**

**5. Тингланди,** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бухоро вилоятида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш бўйича жамоатчилик назоратини кучайтиришга доир топшириғи ижроси юзасидан жорий йилнинг 12-22 март кунлари республика ишчи гуруҳи томонидан Бухоро вилоятида олиб борилган ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, Фарғона вилояти ҳокимлигининг чора-тадбирлар режаси.

Чора-тадбирлар режаси бир овоздан маъқулланди.

**(Овоз бердилар: ёқлаб 53 нафар, қаршилар йўқ, бетарафлар йўқ.)**

Раислик қилувчи

Ш.Ғаниев

Сессия котиби

Б.Махмудов